



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR SIYOSATI VA SPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI
YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I**

20_23_-yil 10_- mart

01-10/44_-son

**O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 1-martdagi PQ–82-son
qarori ijrosini ta‘minlash haqida**

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Navro‘z umumxalq bayramiga tayyorgarlik ko‘rish va o‘tkazish to‘g‘risida” 2023-yil 1-martdagi PQ–82-son qarorida belgilangan vazifalar ijrosini o‘z vaqtida va sifatli bajarish maqsadida

BUYURAMAN:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Navro‘z umumxalq bayramiga tayyorgarlik ko‘rish va o‘tkazish to‘g‘risida” 2023-yil 1-martdagi PQ–82-son qarori (keyingi o‘rinlarda – qaror) ma‘lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

2. Qarorda belgilangan vazifalarni amalga oshirishga oid Yoshlar ishlari agentligi (keyingi o‘rinlarda – Agentlik)ning nazorat rejasi (keyingi o‘rinlarda – nazorat reja) ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

3. Nazorat rejada belgilangan vazifalar va tadbirlar:
o‘z vaqtida, to‘liq va sifatli bajarilishi yuzasidan shaxsiy javobgarlik mas‘ul ijrochi bo‘lgan tarkibiy va hududiy bo‘linma rahbarlari zimmasiga yuklansin;
ijrosi uchun talab etiladigan sarf-xarajatlar belgilangan muddatlarda alohida buyruq asosida amalga oshirilishi belgilansin.

4. Agentlik markaziy apparati tarkibiy tuzilmalari, hududiy bo‘linmalari rahbarlari hisobot oyi uchun keyingi oyning 5-sanasiga qadar nazorat reja ijrosi bo‘yicha Axborot-tahlil va ijro nazorati bo‘limiga hisobot taqdim etib borsin.

5. Agentlik Axborot-tahlil va ijro nazorati bo‘limi (S.Abdunazarov) mazkur buyruqda belgilangan topshiriqlar ijrosini lozim darajada bajarmagan mas‘ullarga nisbatan chora ko‘rish bo‘yicha Agentlik direktoriga taklif kiritsin.

6. Ushbu buyruq ijrosini nazorat qilishni o‘z zimmamda qoldiraman.

Direktor



A. Sa’dullayev

**O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Navro'z umumxalq bayramiga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish to'g'risida"
2023-yil 1-amartdagi PQ-82-son qarori ijrosini ta'minlashga oid Yoshlar ishlari agentligining
NAZORAT REJASI**

| T/r | Chora-tadbirlar nomi | Amalga oshirish mexanizmi | Ijro muddati | Moliyalashtirish manbasi | Mas'ul vazirlik va idoralar | Yoshlar ishlari agentligidan ijro uchun mas'ullar |
|-----------------|--|---|---------------------|---|---|---|
| 1. (13-band) | Mamlakatimizning xorijiy davlatlardagi elchixonalari va konsulliklarida Navro'z bayramiga bag'ishlangan madaniy-ma'rifiy tadbirlarni tashkil etish. | 1. Chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqish va amalga oshirish. 2. Tadbirlarni xorijdagi va mamlakatimizdagi ommaviy axborot vositalarida keng yoritish. | 2023-yil mart | Tashkilotchilarning o'z mablag'lari | Tashqi ishlar vazirligi, Yoshlar siyosati va sport vazirligi, Madaniyat va turizm vazirligi | Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularning huquqiy savodxonligini oshirish bo'limi (A.Alimov), Agentlikning hududiy bo'linmalari |
| 2. (16-band) | Joylardagi ovul va mahallalarda yashayotgan yoshlar o'rtasida uloq-ko'pkari, poyga, kurash, yugurish, chillak, arqon tortish va boshqa milliy sport o'yinlari bo'yicha musobaqalar hamda ko'rgazmali chiqishlar uyushtirish. | 1. Musobaqa hamda ko'rgazmali chiqishlar o'tkazish dasturlarini ishlab chiqish va zarur choralarni belgilash. 2. Musobaqa va ko'rgazmali chiqishlarni yuqori saviyada o'tkazish. | 2023-yil mart-aprel | Tashkilotchilarning o'z mablag'lari, homiylik xayriyalari | Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, Viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari, Yoshlar siyosati va sport vazirligi, | Yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish va Besh tashabbus loyihalarini muvofiqlashtirish bo'limi (Sh.Olimov), Agentlikning hududiy bo'linmalari |



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 1 » март

№ ПК–82

2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Баҳор ва табиат уйғонишининг тимсоли, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлган Наврўзи оламни баланд руҳ ва катта шодиёна билан нишонлаш азал-азалдан эл-юртимиз учун гўзал анъана ҳисобланади.

Халқимизнинг кўп асрлик эзгу қадриятларини, унинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган ушбу қутлуғ айём мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатларга мансуб барча ватандошларимиз учун умумхалқ байрамига айланди.

Наврўзи оламнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яхшилик ва бағрикенглик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, атроф-муҳитни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш каби олижаноб ғоялар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларнинг мақсад ва мазмунига тўла ҳамоҳангдир.

Ҳозирги кунда жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, дўстлик ва биродарлик туйғуларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлодимиз қалби ва онгида Ватанимизнинг бугуни ва келажагига дахлдорлик туйғусини кучайтиришда Наврўз байрамининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Эл-юртимиз яшариш ва янгиланиш, меҳр-оқибат фасли сифатида эъзозлайдиган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам деб эътироф этилган Наврўзнинг маънавий ҳаётимиздаги улкан ўрни ва таъсирини инобатга олиб, ушбу айёмни миллий қадрият ва урф-одатларимизга уйғун тарзда, ҳар томонлама муносиб даражада нишонлаш мақсадида:

1. 2023 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда **“Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!”** деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳ ва юксак савияда нишонлансин.

2. Қўйидагилар:

2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича **ташкилий қўмита таркиби** 1-иловага мувофиқ;

2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш бўйича **“йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита 2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш бўйича “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳамда ушбу айёмнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида кенг нишонланишини таъминласин.

3. Байрам тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз айёмига хос янгилик ва бунёдкорлик руҳини, она заминга меҳр ва эътибор, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликни ифода этадиган, кишиларни бугунги тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаб, атроф-муҳит ҳамда унинг неъматларини асраб-авайлашга, эзгу орзу-мақсадлар билан яшашга ундайдиган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва инсон қадрини улғулаш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, дунёқарашида юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва анъаналари билан мувофиқ тарзда, таъсирчан бадиий воситалар орқали акс эттириш;

ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз байрами арафасида барча шаҳар ва қишлоқларда, овул ва маҳаллаларда умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

халқимизга хос бўлган меҳр-мурувват фазилатларини давом эттириб, муҳтарам нурунийларимизни ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Мурувват” ва “Саховат” уйларида яшаётган кишиларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож фуқароларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини ўтказиш;

юртимизда миллатлараро дўстлик ва фуқаролараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадда амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижаларини, Ўзбекистон фуқароси бўлган турли миллат ва элатлар вакиллари томонидан Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга оид тадбирларни ташкил этиш ва кенг ёритиш;

жойларда бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, дорбозлар ва бахшилар, шунингдек, истеъдодли анъанавий ижрочилар ва эстрада артистларини жалб этиш;

Наврўз сайилларининг дастурларини тайёрлашда қадимий урф-одатларимиз ва халқ ўйинлари, маданий меросимизнинг ёрқин намуналари бўлган куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш;

байрам тадбирлари доирасида ҳунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, китоб расталари, кўчма савдо дўконларини ташкил қилиш, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситаларида Наврўзнинг тарихи ва моҳиятини, ҳудудларда, шунингдек, чет эллардаги ватандошларимиз давраларида байрамни нишонлаш бўйича шаклланган урф-одат ва анъаналарни кенг ёритиш.

4. Маданият ва туризм вазирлиги (О.А. Назарбеков):

Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М. Ҳожиматов), Ёзувчилар уюшмаси (С.С. Саидов) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

мазкур концерт томошасини тажрибали сценарист ва режиссёрлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларини жалб этган ҳолда юқори бадий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари **бир ҳафта муддатда** Наврўз умумхалқ сайилларига ҳар томонлама муносиб тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари билан боғлиқ харажатлар:

Тошкент шаҳрида – республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ. Абдураҳмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш
ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита
ТАРКИБИ**

1. А.Н. Арипов – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири,
Ташкилий қўмита раиси
2. О.Қ. Абдурахмонов – Ўзбекистон Республикаси Президентининг
маслаҳатчиси
3. Х.М. Султонов – Ўзбекистон Республикаси Президентининг
маслаҳатчиси
4. О.А. Назарбеков – Маданият ва туризм вазири, *Ташкилий
қўмита раисининг ўринбосари*
5. Б.С. Рахмонов – Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини
бажарувчи, *Ташкилий қўмита раисининг
ўринбосари*
6. Ш.Д. Кудбиев – Иқтисодиёт ва молия вазири
7. И.Й. Абдурахмонов – Олий таълим, фан ва инновациялар вазири
8. А.И. Икрамов – Ёшлар сиёсати ва спорт вазири
9. Б.А. Мусаев – Камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазири
10. Ҳ.Ў. Умарова – Мактабгача ва мактаб таълими вазири
11. А.Ш. Иноятов – Соғлиқни сақлаш вазири
12. Ш.Х. Шерматов – Рақамли технологиялар вазири
13. Б.О. Саидов – Ташқи ишлар вазири в.б.
14. Б.Н. Қурбонов – Мудофаа вазири
15. П.Р. Бобожонов – Ички ишлар вазири
16. Р.М. Жўраев – Миллий гвардия қўмондони
17. Б.С. Йўлдашев – Фанлар академияси президенти
18. А.А. Ходжаев – Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги директори

19. Р.Ж. Қурбонов – Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси
20. Ф.Ф. Абдуҳолиқов – Кинематография агентлиги директори
21. А. Кўчимов – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори
22. А.Ж. Хаджаев – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси
23. А.В. Нуриддинов – Ўзбекистон Бадиий академияси раиси
24. С.С. Саидов – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси
25. М.М. Ҳожиматов – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари
26. Р.А. Абдуллаев – Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси
27. С. Турдиев – Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви раиси
28. Ш.Т. Қудратхўжа – Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси раиси
29. Х.Х. Салимов – Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси ўринбосари
30. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари

Изоҳ: Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга тайинланган шахслар киритилади.

2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|--|---|---|---------------|---|---|
| I. Ташкилий-амалий чора-тадбирлар | | | | | |
| 1. | Жойларда Наврўз умумхалқ байрамини мамлакатимизда инсон қадрини юксалтириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг амалдаги ифодаси сифатида, умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда ўтказиш. | 1. Хўдудий ташкилий қўмиталар таркибини шакллантириш. 2. Наврўз байрамини юқори савияда нишонлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. 3. Чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш. | 2023 йил март | Маҳаллий бюджет маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, ташкилотларнинг ўз маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар |
| 2. | “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида барча шаҳар ва қишлоқларда, овул ва маҳаллаларда умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини ташкил қилиш. | 1. Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Тадбирларни юқори савияда ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш. | 2023 йил март | Маҳаллий бюджет маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, ташкилотларнинг ўз маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|-----|--|--|--------------------------------------|---|--|
| 3. | Маҳаллалар, кўчалар, хиёбонлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ҳудудини Наврўз байрами мазмун-моҳиятига мос равишда безатиш. | 1. Маҳаллалар, кўчалар, хиёбонлар ва бошқа ижтимоий объектларни байрамга тайёрлаш, ҳудудларни байрамона безатиш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Режада белгиланган ишларни амалга ошириш. | 2023 йил 10 март Режа асосида | Маҳаллий бюджет маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, ташкилотларнинг ўз маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, тегишли вазирликлар ва идоралар |
| 4. | Наврўз кунларида она табияти, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга ундайдиган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш. | 1. Маънавий-маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш. | 2023 йил 10 март Режа асосида | Ташкилотларнинг ўз маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар |
| 5. | Байрам муносабати билан нуруний кексаларни ҳар томонлама эъозлаш, кўмакка муҳтож оилалар ва инсонларга беғараз ёрдам бериш бўйича хайрия тадбирлари ҳамда таниқли санъаткорларнинг улар хонадонига ташрифини уюштириш. | 1. Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Тадбирларни амалга ошириш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш. | 2023 йил 10 март Режа асосида | Маҳаллий бюджет маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, ташкилотларнинг ўз маблағлари | Бандлик вазирлиги, Миллий гвардия, ССВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|------------------|---|--|
| 6. | Жойларда арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари, кўчма савдо дўконларини ташкил қилиш, кўклам таомларини тайёрлаш ҳамда уларнинг савдосини йўлга қўйиш. | <p>1. Савдо ярмаркалари ташкил этиладиган бозорлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Фермер хўжаликлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ярмаркаларга жалб этиш.</p> <p>3. Наврўз таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини ташкил қилиш.</p> | 2023 йил март | — | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| II. Оммавий-маданий, маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари | | | | | |
| 7. | Тошкент шаҳрида Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб ўтказиладиган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш. | <p>1. Таниқли сценарист ва ижодкорлар иштирокида асосий байрам тадбири сценарийси ва дастурини тайёрлаш.</p> <p>2. Таниқли режиссёр, балетмейстер, бастакор, рассом ва бошқа ижодкорлар иштирокида асосий байрам тадбирига тайёргарлик машғулотларини олиб бориш.</p> | 2023 йил 10 март | Республика бюджети ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджети маблағлари | Маданият ва туризм вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги |
| 8. | Худудларда ўтказиладиган сайилларда фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, дорбозлар, бахшилар, ижодкорлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларнинг иштирокини таъминлаш. | <p>1. Маданий дастурлар режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Дастурларда халқ ўйинлари, урф-одатлар, миллий куй-қўшиқлар, 3 ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.</p> <p>3. Маданий дастурларни ўтказиш.</p> | 2023 йил март | Маҳаллий бюджет маблағлари, ташилотчиларнинг ўз маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Маданият ва туризм вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|-----|--|---|-----------------------|--|--|
| 9. | Байрам тадбирларида ўзбекистонда миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижалари, турли миллат ва элатлар вакилларининг Наврўзни нишонлашга оид урф-одатлари, қадриятларини намойиш этиш. | Миллий маданий марказларнинг маданий дастурларини тайёрлаш ва уларнинг байрам тадбирларида иштирокини таъминлаш. | 2023 йил март | Маҳаллий бюджет маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари | Миллатлараро муносабатлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| 10. | Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда “Маҳалла – тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўрғонидир” шиори остида маданий-маърифий, тарғибот тадбирларини ташкил қилиш. | 1. Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Тадбирларда таниқли санъаткорлар, ижодкорлар ва маънавият тарғиботчиларининг иштирокини таъминлаш. 3. Тадбирларни ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш. | 2023 йил март– апрель | Маҳаллий бюджет маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Маданият ва туризм вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Бандлик вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази |
| 11. | Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларида таниқли ижодкорлар, санъаткорлар, ҳарбий оркестр ва ансамбллар иштирокида “Ватан манзумаси” адабий-маърифий кечаларини юқори савияда ўтказиш. | 1. Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Тадбирларни ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш. | 2023 йил март– апрель | “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, маҳаллий бюджет маблағлари | Маданият ва туризм вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|-----|--|--|---------------------------------------|---|--|
| 12. | Наврўз байрами муносабати билан жойларда китоб расталарини, хунармандчилик асарлари ва “Кўклам неъматлари” кўргазмаларини ташкил қилиш, “Энг яхши Наврўз таомлари” танловларини ўтказиш. | 1. Наврўз сайиллари ўтказиладиган асосий майдонлар, хиёбонлар ва кўчаларни белгилаш ва уларни миллий услубда байрамона безатиш. 2. Тасдиқланган режа асосида тадбирларни ўтказиш ва танлов ғолибларини муносиб тақдирлаш. | 2023 йил март | Ташкилотчиларнинг ўз маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, “Хунарманд” уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги |
| 13. | Мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва консулликларида Наврўз байрамига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш. | 1. Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. 2. Тадбирларни хориждаги ва мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш. | 2023 йил март | Ташкилотчиларнинг ўз маблағлари | ТИВ, Ёшлар ва спорт вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги |
| 14. | Шаҳар ва туманлар марказида жойлашган LED экранлар орқали миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилишга мўлжалланган “ Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон юртим! ” мавзусидаги ижтимоий роликларни кенг намойиш қилиш. | 1. Ижтимоий роликлар намойиш этиладиган LED экранлар рўйхатини шакллантириш, мавзуга оид ижтимоий роликлар тайёрлаш. 2. Ижтимоий роликларни кенг намойиш этиш. | 2023 йил 15 март 2023 йил март | Ташкилотчиларнинг ўз маблағлари | Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|-----|--|---|--|--|---|
| 15. | Умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари, ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари ўртасида Наврўз байрамига бағишланган спорт мусобақалари, маданият ва санъат ҳамда китобхонлик танловларини ўтказиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш. | 1. Мусобақа ва танловларни ўтказиш режа-дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Мусобақа ва танловларни ўтказиш ҳамда ғолибларни муносиб тақдирлаш. | 2023 йил 15 март 2023 йил март–апрель | Ташкилотчиларнинг ўз маблағлари | вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ММТВ, ОТФИБ, Маданият ва туризм вазирлиги, Ўзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази |
| 16. | Жойлардаги овул ва маҳаллаларда яшайдиган ёшлар ўртасида улоқ-кўпқари, пойга, кураш, югуриш, чиллак, арқон тортиш ва бошқа миллий спорт ўйинлари бўйича мусобақалар ҳамда кўرғазмали чиқишлар уюштириш. | 1. Мусобақа ва кўрғазмали чиқишлар ўтказиш дастурларини ишлаб чиқиш ва зарур чораларни белгилаш. 2. Мусобақа ва кўрғазмали чиқишларни юқори савияда ўтказиш. | 2023 йил март–апрель | Ташкилотчиларнинг ўз маблағлари, хомийлик хайриялари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ёшлар ва спорт вазирлиги |
| 17. | Оммавий ахборот воситаларида таниқли мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда Наврўз байрамининг тарихи, ҳудудларда уни нишонлаш бўйича шаклланган урф-одат ва удумларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳамда сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий кадриятларимизни асраб-авайлаш ва дунёда тарғиб қилиш борасида олиб бориладиган ишларни кенг ёритиш. | Мавзуга бағишланган кўрсатув, эшиттириш ва материалларни тайёрлаш ва кенг ёритиш. | 2023 йил март | Ташкилотчиларнинг ўз маблағлари | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси, Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|-----|--|--|------------------|---------------------------------|-------------------------|
| 18. | Барча мобил алоқа абонентларига “Янгиланиш ва яшариш айёми – Наврўзи олам муборак!” мазмундаги SMS-табриклар юборишни ташкил этиш. | Мобил алоқа операторлари томонидан SMS-табриклар юбориш. | 2023 йил 21 март | Ташкилотчиларнинг ўз маблағлари | Рақамлаштириш вазирлиги |

